# Қишлоқ ҳақиқати

1995 йил 28 апрель ЖУМА
№ 17 (5.641)
сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган


# ҒЎЗА ПАРВАРИШИ — МУҲИМ ЮМУШ

## ДУРКУН НИҲОЛЛАР

Бекобод тумани деҳқонлари чигит экишни пойтахт вилоятида биринчилардан бўлиб ниҳоясига етказган эдилар. Ўз вақтида қадалган барака уруғи ялпи майдонларда ернинг табиий намига бир текис ундириб олинди. Айни кунларда туман хўжаликларида ғўза қатор ораларига биринчи агротехник ишлов бериш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар 17 минг гектар майдондаги ғўза ниҳоллари тўлиқ культивациядан чиқай деб қолди.

— Биринчи ишлов — кузги мўл ҳосилга асосий замин ҳисобланади, — дейди тумандаги «Зафар» агрофирмаси бошлиғи Хайрулла Пирнафасов. — Шунинг учун биз бу тадбирни алоҳида масъулият билан ўтказаяпмиз. Ниҳоллар бир йўла озиқлантирилмоқда.

Мазкур агротехник тадбирларни амалга оширишда А. Навоий номли, «Ғалаба», «Бекобод», «Навбаҳор» ҳамда «Деҳқонобод» жамоа хўжаликлари заршунослари пешқадамлик қилишяпти.

Илк ишлов ва озиқлантиришдан баҳра олган ғўза ниҳолларининг ривожи дуркун.

**И.ТОШЕВ.**

***

Халқимизда эрта эксанг — эрта ўрасан, деган нақл бор. Бу ҳикматга амал қилган Поп туманидаги «Найман» жамоа хўжалиги деҳқонлари пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириб келишмоқда. Жумладан, 1994 йил чўл шароитида 28 центнердан оқ олтин етиштирилди. Улар бу кўрсаткични жорий йилда 30 центнерга етказиш чора-тадбирларини кўришаяпти.

Дўмонбой Сотиболдиев бошлиқ бригада заршунослари 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта хирмони кўтариш ниятида. Бригада аъзоларидан Қўчқорали Турдиалиев, Давлатбой Қодировлар чигитни тез ва соз экишда алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

— Бу йил об-ҳавони ҳисобга олган ҳолда ишни ташкил этдик, — дейди хўжалик раҳбари Обиджон Соаталиев. — Баҳорнинг қулай келиши ҳар бир тадбирни омилкорлик билан ўтказишга имкон берди. Далаларда 21 та сеялка унум билан ишлатилди. Абдуғани Матмусаев, Мўминжон Эрниёзов каби уста пахтакорлар бошчилик қилаётган бригадаларда чигит қийғос униб чиқди.

Ҳамма жойда бўлгани каби бугун Поп туманида ҳам меҳнат кўтаринкилиги авжида. «Қўштепа», «Наврўз», «Гурумсарой», «Сирдарё», «Навбаҳор» жамоа хўжаликлари далаларида ғўзаларга ишлов бериш қизитиб юборилди.

**А. ҚОРАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**







*Ўзбекистон пахтасига жаҳоннинг барча минтақаларида талаб ортиб бормоқда. Бу мустақил мамлакатимизнинг нуфузини ва иқтисодиётини юксакларга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Беназир пахтакор юртимизнинг қадоқ қўл деҳқонлари шу устивор туйғу билан меҳнат қилишмоқда.*

*Бугунги кунда Бухоро вилоятининг Когон туманидаги «Бухоро» жамоа хўжалиги заршунослари 1050 гектарлик пайкалларда уруғликнинг «Бухоро-6» навини қийғос ва бехато ундириб олиб, ғўза парваришига қизғин киришдилар. Ниятлари улкан — юксак хирмон яратиш.*

**СУРАТЛАРДА: 1. Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси (чапда) Абдураҳмон Ашуров ва илғор механизатор Тилак Эшқувватов ниҳоллар қийғос униб чиққанидан хурсанд. 2. Ҳар ниҳол — эъзозда. 3. Энди навбат — парваришга.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## МЕҲР АРДОҒИДА

Шароф Рашидов туманидаги «Пахтаобод» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари мавжуд 3 минг гектар ерга об-тобида барака уруғи қадаб бўлишганига бир ҳафта ўтар-ўтмасдан чигит экилган дастлабки пайкалларда ниҳоллар қийғос униб чиқа бошлади. Бугунги кунда хўжаликнинг 9 та пахтачилик ширкати далаларида жорий йилнинг 7 минг тонналик «оқ олтин» хирмони учун қизғин кураш давом этмоқда. Эзгу ният йўлида 27 та деҳқон (фермер) хўжалигига уюшган меҳнат аҳли экинлар — ғўза ниҳоллари парваришини қизитиб юборишди. Чунончи, 150 нафар механизатор, 250 нафарга яқин сувчи ва бошқа кўплаб миришкорлар дала ишларида фидокорлик кўрсатишяпти.

Мавсумда дала ишларини пухта ташкил этган Гулмурод Шодмонов, Назар Қорабоев, Жеттибой Асроров ва Очил Бўрибоевлар етакчилик қилаётган деҳқон (фермер) хўжаликларининг жамоаси ғўза парваришида ҳам биринчилар қаторида боришмоқда. Шунингдек Расул Абдулбанноев, Шамси Очилов, Маъмур Раҳимов каби тажрибали, моҳир механизаторларнинг ғайрати, фидойилиги таҳсинга лойиқ.

Дарвоқе, далада ишловчилар бепул иссиқ-овқат билан таъминланаяпти. Уларнинг оила аъзоларига ун, ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида, етарли миқдорда етказиб берилмоқда. Буларнинг ҳаммаси дала ишларини намунали йўлга қўйишга хизмат қилаяпти.

**Анвар ИМОМОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.**

## ДЕҲҚОН КАЙФИЯТИ

Бултур Иштихон тумани пахтакорлари режадагидан зиёд — 34 минг 118 тонналик хирмон тиклаб, ҳосилдорлик бўйича вилоятда пешқадамлар сафида боришган эди. Сарҳисобга кўра, ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Туман хўжаликларининг айрим звено, бригадаларида ҳосилдорлик янада юқори бўлди. Илғор жамоаларда бу кўрсаткич 45-46 центнерга тўғри келди.

Иштихонлик заршуносларнинг аҳди бу йил янада устивор. Улар деҳқонлар учун қутлуғ келган шу 1995 йилда юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилишаяпти.

Биз туман деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Умар Қўлдошевдан деҳқонларнинг бугунги юмушлари, саъй-ҳаракатлари, уларнинг кайфияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Албатта кайфиятга кўп нарса боғлиқ, — деди у. — Шу кунларнинг ҳар лаҳзаси кайфиятга хуш кайфият қўшяпти. Далаларимизда экинлар гуркираб ривожланмоқда. 40 гектар ерга экилган эртанги сабзавот майдонлари кунда бир яшнамоқда. Пиёзнинг «Гулисурх» нави 34 гектарни ташкил этади. Ривожи яхши. 15 минг гектардан зиёд майдондаги ғалла бўлиқ ва дуркун. Унинг 6054 гектари суғориладиган майдонларда. Уларнинг парвариши, озиқлантирилиши маромида. Боғ ва токзорларда ҳам юмушлар қизғин. Шу йилдан бошлаб туманимизда «Иштихон» мевасабзавотузум саноат агрофирмаси фаолият бошлади. Унинг тасарруфига узумчиликка ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар киритилди. Мурод Жўраев номли ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги «Иштихон» мева-консерва заводи ҳам бугунги кунда ана шу агрофирма таркибида фаолият кўрсатаяпти. Бошқарувнинг марказлашуви ўзининг пировард натижаларини беради, деб ўйлаймиз.

Пахтакорларимиз 10 минг 670 гектардан кўпроқ майдонга барака уруғи қадашган. Бу муҳим тадбирга 263 та ҳайдов трактори, 236 та сеялка ва бошқа кўплаб техника воситалари жалб этилди. Чигитнинг «С-9070» ва «Қирғиз-3» навлари танлаб ва саралаб экилди. Шу кунларда ерга дастлаб чигит тушган майдонларда ниҳоллар тўлиқ униб чиқди. 199 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида ғўза ниҳолларига ишлов бериш бошланган. 280 га яқин чопиқ агрегати «яшил пайкал»ларда ишлаяпти. Тадбиркор заршунослар бир йўла озиқлантиришни ҳам олиб боришаяпти.

Жорий йилда ҳосилдорликни камида 30-35 центнерга етказиб, Иштихоннинг бу йилги катта хирмонига муносиб улуш қўшишга азму қарор қилган Навоий номли, «Уч қаҳрамон», Абдулла Бердиқулов номли, Жўра Маҳмудов номли пахтачилик хўжаликларида ҳам ғўза қатор ораларига ишлов беришга қизғин киришилган.

**Абдулла ТУРДИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

*Вазирлар Маҳкамасида*

## ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

***26 апрель куни Вазирлар Маҳкамасида республика Бош вазири А. Муталов раислигида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг мажлиси бўлди.***

Унда вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, маҳалла қўмиталарининг раислари, тадбиркорлар иштирок этишди.

Мажлисда Президент Ислом Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўллари, шунингдек, иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини ривожлантиришда, «Корхона-маҳалла» тамойилини амалга оширишда маҳаллий бошқарув органлари билан тармоқ хўжалик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

Шунингдек, мулкка оид объектлар ва ер участкаларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш ишидаги нуқсонлари учун тармоқларнинг, айрим корхоналарнинг, маҳаллий бошқарув органларининг раҳбарлари танқид қилинди. Чунки бу нуқсонлар республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Мажлисда республика Президентининг давлат маслаҳатчиси, назорат инспекциясининг раҳбари М. Мирқосимов, Бош вазир ўринбосари В. Чжен сўзга чиқишди. Мажлис пировардида Бош вазир А. Муталов муҳокама натижаларини умумлаштириб, дарҳол ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифаларни кўрсатиб берди.

**(ЎзА).**

## САРА ПИЁЗ ОЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

*Тажриба, таҳлил, таклиф*

Қишлоқ хўжалигида, умуман деҳқончиликда «сара уруғ — ҳосили бўлуғ» деган нақлнинг тез-тез тилга олиниши бежиз эмас. Чунончи, пиёз уруғи етиштириш технологияси хусусида ҳам гап кетганда юқоридаги ҳикматга албатта риоя қилиш талаб этилади. Аъло навли уруғлик мўл ҳосил гаровидир.

Шундай экан, уруғликка сараланганда оғирлиги камида 60 грамм келадиган, тўлиқ етилган, қуруқ пўст билан зич қопланган, шакли ва ранги жиҳатидан нав учун мос бўлган пиёз бошлари ажратиб олинади. Шу ўринда уруғлик бош пиёзни йиғиб олиш ва уни саралаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга масъулият билан ёндошиш лозим. Ҳосилни йиғиб олиш олдидан апробатор-агроном пиёз навига баҳо бериб, шундан сўнг далолатнома тузади, қандай пиёзларни уруғлик учун ажратиб олиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар беради.

Ўз-ўзидан аёнки, уруғлик пиёзни экиш учун ажратилган майдон унумдор ва бегона ўтлардан холи бўлиши лозим. Табиийки, у чириган гўнг билан ўғитланса (гектарига 20-30 т.), нур устига аъло нур. Ёхуд ерни (гектарига 1-1,5 ц. аммиакли селитра, 3-5 ц. суперфосфат ва 1,5-2 ц. калий тузи) минерал ўғитлар билан озиқлантириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон шароитида уруғлик бош пиёз экишнинг энг самарали муддатлари эрта куз — сентябрь ойи бошидан бошлаб, 15 октябргачадир. Баҳорда эса уруғлик бош пиёзни февраль ойи охири ва март ойи бошларида экиш тавсия этилади. Ундан кейинги муддатларда экилган бош пиёз уруғи сифатсиз ва ҳосили паст бўлади. Экиш муддати апрель ойига кечикиб кетса, иқтисодий самара бермайди.

Илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, кузда (сентябрь-октябрь ойларида) экилган бош пиёзлар қишнинг қировли кунлари бошлангунча муайян ривожланиб, чуқур ва бақувват илдиз отишга улгуради. Кеч кузда (ноябрь ойи ичида) экилганларининг эса қиш даврида 50-60 фоизи нобуд бўлиб, ҳосилдорлик кескин пасаяди.

Биз турли муддатларда экилган уруғлик бош пиёзининг ҳосилдорликка таъсирини ўрганиб, тажрибада синаб кўрганимизда, натижалар турлича бўлишини кузатдик. Жумладан, 3-16 сентябрларда экилган бош пиёз уруғи гектарига 15,4-16,6 центнерни, уруғликнинг униб чиқиши эса 94-95 фоизни ташкил қилди. Демак, тажриба юқорида қайд этилган экиш муддати яхши самара беришини тасдиқлайди. 6 мартда экилган бош пиёз уруғи ҳосилдорлиги 6,4 центнерга тўғри келди. Уруғ сифати 86 фоизни ташкил этди.

Ҳосилдорликнинг юқори бўлиши, албатта, экиш сифати ва шу билан бирга суръатига боғлиқ. Уруғлик бош пиёзни картошка экишга мўлжалланган очиқ дискали, «СН-4В»маркали машинадан фойдаланган ҳолда экиш катта самара беради. Уруғлик эгатларга қадаб бўлинганидан кейин техникани қатор ораларидан юргизиб, бир йўла суғориш эгатлари олинади ва юмшатгич мослама (окучник) билан уруғлик устидан тупроқ тортилади. Бундай кенг қамровли иш юритиш, ўз навбатида, кишидан тадбиркорлик ва масъулият талаб этади, албатта.

Республикамиз вилоятларининг турли хўжаликларига бултур кузда 1243 гектарга ва шу йил баҳорда 1510 гектар майдонга шундай уруғлик бош пиёзи экилган эди. Уруғлик пиёз 70 ёки 90 смли қаторга, ўсимликлар ораси эса 10-15 см. қилиб экилганда ҳар гектар ердан юқори ҳосил олиш мумкинлигини тажрибалар кўрсатди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, уруғлик бош пиёзнинг жойлашиш майдонига қараб уруғлик сарфи, ҳосилдорлиги ва рентабеллик даражаси турлича бўлади. Энг юқори ҳосил берган (15,1-17,7 ц/га) ва рентабеллик даражаси баланд бўлган (321-318 фоиз) вариантларнинг экиш тизими 70х10, 70х15 см. эканлигини синов тажрибалар кўрсатди.

Уруғлик майдонларидаги экинни вегетация даврида суғориш, одатда, апрель-май ойларида бошланиб, уруғлари етила бошлаган давргача давом эттирилади. Тавсияга кўра, 8-9 марта сув берилади. Айниқса, пиёзнинг гуллаш, уруғи етилиши ва пишиши даврида тупроқ намлигини мунтазам таъминлаб туриш лозим.

Биринчи чопиқ-ишлов ўсимликлар бўй бериб қолганда, иккинчиси эса биринчисидан 20-25 кундан кейин амалга оширилади. Уруғлик пиёз экилган майдонлар тупроғи доим юмшоқ сақланиши ва бегона ўтлардан тозаланиб турилиши лозим. Акс ҳолда, бегона ўтлар кўпайиб кетиб, ўсимликнинг уруғ бойлашига йўл қўймайди. Пировардида, бегона ўтлардан пиёз уруғларини ажратиш қийин кечади.

Баҳорда экилган уруғлик пиёзга барглари ёзилгандан сўнг, яъни шу кунларда биринчи марта, гул бандлари пайдо бўлиши биланоқ иккинчи марта миқдори оширилган маромда минерал озуқалар (1 га ерга ҳар сафар 2,5-3,0 центнер аммиакли селитра ва 2,0-2,5 центнер суперфосфат) беришни тавсия этамиз. Шунингдек, вегетация даврида, аниқроғи, экиннинг гуллаш даври бошлангунга қадар сохта ун шудринг касалига қарши қуйидаги препаратлар ишлатилади: Цинеб 80 фоиз ҳўлланувчи кукунидан — гектарига 2,4 килограмм. Мис купороси 90 фоиз кукунидан гектарига 2,4 килограмм. Полихом 80 фоиз ҳўлланувчи кукунидан гектарига 1,2-2,4 килограмм. Поликорбоцин 80 фоиз ҳўлланувчи кукунидан гектарига 2,4 килограмм.

Уруғлик пиёзнинг зараркунандаси трипс ҳашаротга қарши қуйидаги препаратлар ишлатилади:

БИ-58 40 фоиз концентрацияли эмулсия гектарига 0,5-1,0 килограмм. Коратэ 5 фоиз концентрацияли эмулция гектарига 0,3-0,5 килограмм. Актеллик концентрацияли эмульция гектарига 2,0 л.

Бу дорилар пиёзнинг ўсув даврида, яъни апрель охири ва май ойларида эрталаб ёки кечки пайтларда салқин тушиши билан берилади. Ҳар қандай касаллик ёки зараркунандаларига қарши химикатларни ишлатиш пиёзнинг гуллаш даври бошлангунга қадар ўтказилиши керак.

Шуни айтиш жоизки, агар иложи бўлса пиёзнинг гуллаш даврида ҳар гектарига 2-3 тадан асалари уясини келтириб қўйиш, пиёз гулининг яхши чангланишига, уруғликнинг сифатли ва ундан юқори ҳосил олинишига катта имкон беради.

Хўш, уруғлик пиёзнинг етилишида ўзига хос қандай белгилари бор? Уруғлик пиёз гуллаб бўлгандан кейин 45—50 кун ўтгач, гул бандлари сарғайиб, қурий бошлайди, пиёз қалпоқчалари ёрилиб, қорайган уруғлар кўринади. Шу вақтда уруғ намлиги 60-65 фоиз атрофида бўлади. Пиёз уруғларини етилиш даври (йиғиш вақти) Тошкент вилояти шароитида 15 июлдан—25 июлгача давом этади. Пиёз уруғларини қўлда йиғиштирган вақтда пиёз гулбандларини 15-20 сантиметр узунликда кесиб, жуда қисқа муддатларда йиғиштириб олиш лозим ва уларни бетонланган ёки асфальт ётқизилган усти берк бостирмаларда, дарахт соялари тушиб турадиган салқин ва шамол эсиб турадиган майдончаларда 10-15 сантиметр қалинликда қуритиш керак. Уруғларни соя жойда қуритиб, обдон етилтириб олиш уруғ ҳосилини ва сифатини 5-10 фоиз оширади.

Уруғликнинг бузилишига, яъни чиришига ёки қизиб кетишига йўл қўймаслик учун пиёз уруғи қуритишнинг дастлабки учинчи-тўртинчи куни паншаха ёки хаскашлар билан кунига икки марта ағдарилиб турилади, 15-20 кундан кейин комбайн ёки молотилкаларда янчилади. Янчишни енгил тракторларда ҳам ташкил қилиш мумкин. Пиёз уруғларини бирламчи (бошланғич) тозалашни элаклашдан ўтказгандан кейин уларни «МОС-300» маркали машина ёки оқар сув ёрдамида 10-15 минут давомида ювиш мақсадга мувофиқдир. Ювилган уруғлар сувини силкитиб, тезликда асфальтланган майдончаларда чодирлар устига 1-1,5 сантиметр қалинликда ёйиб, уруғ қуригунча тез-тез аралаштириб турилади. Уруғларни тозалаш ва саралаш учун супер-гигант ёки супер-петкус «К-212» ва «К-541» машиналаридан фойдаланилади.

**А. ҲАКИМОВ,**
***ЎзСПКИТИ уруғчилик лабораторияси бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.***

**М. ОРИФЖОНОВА,**
***Қишлоқ хўжалик вазирлиги сабзавот, полиз ва картошка уруғчилиги бўлими бошлиғи.***

